

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 10 сентябрь, № 178 (5852) Сешанба

## Ўзбекистон — Хитой:

# СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 8 сентябрь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**



Ташрифнинг асосий тадбирлари 9 сентябрь куни бўлиб ўтди. Кўксарой қароргоҳида ХХР Раисини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Си Цзиньпин шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Хитойнинг давлат мадҳиялари янгради. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Си Цзиньпиннинг тор доирадаги суҳбатида томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов Ўзбекистонда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг мамлакатимизга илк давлат ташрифига икки томонлама муносабатлардаги тарихий воқеа, Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорликнинг тобора мустаҳкамланиб бораётган асосларининг яна бир кўриниши сифатида қаралишини таъкидлади.

Си Цзиньпин икки давлатнинг ўзаро ҳамкорлигига юксак баҳо берди, Хитой ва Ўзбекистон халқларининг туб манфаатлари ва умумий тараққиётга хизмат қиладиган бундай учрашувлар муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этди.

Ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Қадимий Мовароуннаҳр ва Чин юрти ўртасидаги савдо-сотиқ ва маданий алоқалар чой, пахта, ипак, қоғоз ва бошқа маҳсулотларнинг бутун дунёга тарқалишида муҳим ўрин тутган.

Бугунги кунда икки давлат ўртасидаги алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация руҳида барча соҳаларда ривожланмоқда. Ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик муносабатларнинг барча йўналишларини қамраб олган. Давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган шахсий мулоқотлари бунда муҳим омил бўлмоқда. Олий даражадаги учрашувлар ва ташрифлар мунтазам амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга расмий ташрифи ўзаро алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларациянинг имзоланиши ташрифнинг энг муҳим воқеаси бўлди. Умуман, ташриф якунида 5,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 45 савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий битим ва шартномалар имзоланди.

Ўзбекистон ва Хитой халқаро майдонда икки мамлакат манфаатларига оид энг муҳим масалаларда бир-бирини сиёсий қўллаб-қувватлаб, БМТ, ШҲТ сингари халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлигини тобора кенгайтириб келмоқда.

Шунингдек, томонлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида ҳам ўзаро фаол ҳамкорлик қилмоқда. Иккала мамлакатнинг кўплаб минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳал этиш бўйича ёндашувлари бир-бирига ўхшаш ёки яқин эканлиги таъкидланди. Масалан, Ўзбекистон ва Хитой Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини, унинг сиёсий ечимини топиш, БМТ шафелигида музокаралар ўтказиш ва қарама-қарши кучлар ўртасида муросага эришиш бу борадаги ягона тўғри йўл, деб ҳисоблайди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Хитой билан ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдорлик асосида жадал ривожланиб бораётган ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади. Ўзбекистон Хитой билан муносабатларни барча соҳаларда ривожлантириш, айниқса, энергетика, транспорт, савдо, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдордир.

Си Цзиньпин Хитой Ўзбекистонга вақт синовидан ўтган ишончли дўст, яқин қўшни ва стратегик ҳамкор сифатида қарашини таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 21 йил мобайнида икки томонлама алоқалар изчил суръатда ривожланиб келаётир. Ҳамкорликнинг барча йўналишларида улкан натижаларга эришилди, бир қатор йирик қўшма инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди.

ХХР Раиси Хитой олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган стратегик келишувларни ҳаётга татбиқ этиш борасида Ўзбекистон билан бундан буён ҳам самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Парламентлараро ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган.

Икки мамлакат ўртасида ҳукуматлар даражасидаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари мунтазамлик касб этмоқда. 2004 — 2013 йилларда Ўзбекистон ва Хитой ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида 10 маротаба сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилди.

2011 йилнинг октябрь ойида Пекинда Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси таъсис этилди. Қўмита доирасида савдо-иқтисодий ва сармоявий, хавфсизлик, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича олти қуйи қўмитанинг йиғилишлари ўтказилди.

Фаол алоқалар, жумладан, БМТ, ШҲТ доирасида долзарб масалалар юзасидан ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Пекин Ўрта Осиёда экологик мувозанатни бузиши мумкин бўлган гидроэнергетик лойиҳаларни амалга оширишда қатнашмасликка оид позициясини тасдиқлади, минтақадаги трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш тамойилларини қўллаб-қувватлайди. Ўзбекистон Хитойни ҳудудий яхлитлик, “уч ёвуз куч” — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш масалаларида доим қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг устувор мақсадли вазифалари, шунингдек, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид истиқболли масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Хитой билан стратегик шерикликни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатдорлик ва тенгликка асосланган кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга устувор аҳамият қаратади.

Ўзаро савдо айланмаси барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга молик. Хусусан, кейинги беш йилда товар айирбошлаш ҳажми қарийб тўрт баробар ошди. 2007 йилда бу кўрсаткич 904 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 3,4 миллиардга етди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунларига кўра, товар айирбошлаш ҳажми 2,3 миллиард долларни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 59 фоиз кўп демакдир.

Сармоявий ҳамкорлик икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 2010 йилда имзоланган нохом ашё ва юқори технологиялар соҳаларидаги ҳамкорлик дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Бугун томонлар турли лойиҳалар, аввалambор, юқори технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда.

Мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 455 корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 70 таси юз фоиз Хитой сармояси асосида ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг 71 компанияси ваколатхонаси ишлаб турибди.

2002 йилдан бошлаб Хитой инвестициялари ва кредитлари иштирокида умумий қиймати 6,75 миллиард доллар бўлган 83 инвестиция лойиҳаси, шу жумладан, 5,75 миллиард доллар миқдоридаги тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этилган 52 лойиҳа, 992,4 миллион долларлик имтиёзли кредитлар йўналтирилган 31 лойиҳа амалга оширилди ва амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга ташрифи чоғида ўттиздан ортиқ инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган 5,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги ҳужжатлар имзоланганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Хитой Халқ Республикаси Раисининг ушбу ташрифи доирасида умумий қиймати 15 миллиард долларга тенг лойиҳаларни амалга оширишга оид 31 ҳужжат имзоланди.

Ўзбекистон 2011 йилда ХХР раҳбарияти томонидан илгари сурилган Хитой компаниялари иштирокида Ўзбекистон — Хитой юқори технологиялар саноат паркини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлади. Жорий йилнинг март ойида ушбу парк “Жиззах” махсус индустриал зонаси шаклида ташкил этилди. Мазкур паркнинг Сирдарё вилоятида филиали бўлади. Июнь ойидан бошлаб ушбу индустриал зона ҳудудида мобиль телефонлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ушбу ташриф давомида Хитойнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш орқали мазкур парк ҳудудида юқори технологияларга асосланган қўшма корхоналарни очиш бўйича 14 келишувга эришилди.

Бир қатор Хитой компаниялари мамлакатимиздаги углеводород конларини қидириш ва қазиш ишларида фаол иштирок этмоқда. Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) нафақат истиқболли углеводород конларини қидириш ва ишга тушириш, балки Муборак газ-кимё мажмуасида табиий газни чуқур қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширишда ҳам қатнашмоқда.

Иккала мамлакат Хитойга узлуксиз табиий газ етказиб беришни таъминловчи Ўзбекистон — Хитой газ қувурини қуриш ва ишга туширишни стратегик муҳим аҳамиятга молик лойиҳа, деб билади. Ташриф давомида имзоланган Ўзбекистон — Хитой газ қувурини қуриш ва ишга тушириш тамойиллари тўғрисидаги битимга қўшимча протокол йилига 30 миллиард куб метр газ етказиб бериш қувватига эга тўртинчи линия қурилишини назарда тутади.

Мамлакатларимиз ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишлариданд ир. Бу Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатларига, ундан кейин Жанубий Осиёга чиқишини таъминлайди. Ўзбекистон “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилишини қўллаб-қувватлайди. “Ангрен — Поп” йўналиши бўйича темир йўл қурилиши бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлади. Бу йўл Хитойнинг Жанубий Осиё мамлакатларига тўғридан-тўғри чиқиши учун имконият яратади. Жорий йилнинг июнь ойида “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси ва Хитойнинг “China Railway Tunnel Group” компанияси ўртасида довондан туннель орқали ўтадиган “Ангрен — Поп” темир йўл линиясини қуриш бўйича умумий қиймати 455 миллион долларлик шартнома имзоланиши билан хитойлик ҳамкорлар иштирокида бу борадаги ишлар бошлаб юборилди.

Молиявий соҳадаги ҳамкорлик, хусусан, Хитой Давлат тараққиёт банки ва Эксимбанки билан алоқалар фаол ривожланмоқда. Хитой молия институтларининг жами кредитлари ҳажми 4,5 миллиард доллардан ошади. Улар мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт ва телекоммуникация соҳаларига йўналтирилган.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2011, 2012 йилларда Пекинга ташрифлари доирасида эришилган келишувларга мувофиқ, ХХРнинг имтиёзли кредитлари асосида мамлакатимиз кимё саноати, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қарийб 400,6 миллион доллар миқдоридаги 7 лойиҳа ишлаб чиқилмоқда.

Хитой раҳбарининг мазкур ташрифи чоғида Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан Хитой Давлат тараққиёт банки ўртасида 11,6 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги истиқболли инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш бўйича битим имзоланди.

Мамлакатларимиз ўртасида маданият, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. 2003 йилда Хитойнинг Чанчунь шаҳрида ўтган 6-жаҳон ҳайкалтарошлари форуми доирасида буюк миниатюрачи Камолиддин Беҳзод ҳайкали очилди. Бу ўзбек маданияти намояндасига Хитойда ўрнатилган илк ҳайкалдир.

Икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашда “Ўзбекистон — Хитой” ва “Хитой Халқ Республикаси — Марказий Осиё мамлакатлари” дўстлик жамиятлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

2013 йил 15 май куни Шанхай шаҳрида Хитойда биринчи марта Шанхай университети ҳузуридаги ШҲТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институти негизида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Хитой Маданият вазирлиги ўртасида имзоланган 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик тўғрисидаги дастур маданият соҳасидаги алоқалар ривожига хизмат қилмоқда. 2011 йилда Пекин ва Сиань шаҳарларида Ўзбекистон маданияти ҳафталиги, 2012 йилда Тошкент ва Самарқандда Хитой маданияти ҳафталиги ўтказилди. Жорий йилда Хитойнинг бир қатор йирик шаҳарларида “Ўзбекистоннинг таниқли рассомлари асарлари” бадиий кўргазмалари ташкил этилди.

Умуман, 2012 — 2013 йилларда Хитойда Ўзбекистон маданияти, тарихи ва санъатига бағишланган йигирмадан ортиқ тадбир ўтказилди. Икки мамлакат маданият ва санъат намояндаларининг қатор ўзаро ташрифлари амалга оширилди. Жумладан, хитойлик санъаткорлар “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали, “Асрлар садоси” анъанавий маданият фестивали, “Art Week Style.uz” санъат ҳафталиги тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Таълим соҳасида давлатлар ва идоралараро, жумладан, ўзбек ва хитой тилларини ўрганиш доирасида талаба ва стажёрлар алмашиш тобора кўпаймоқда. Тошкентдаги Конфуций номидаги институтда ҳар йили 350 дан зиёд тингловчи сабоқ олади. 2010 йилнинг июнь ойида Хитой миллатлар марказий университети рус тили ва Марказий Осиё халқлари тиллари факультетида ўзбек тили бўлими очилди. 2012 — 2013 ўқув йилидан бошлаб Пекин чет тиллар университетида ўзбек тили ўқитилиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, икки томонлама келишувга мувофиқ ва ШҲТ доирасида ХХР ҳукумати 2012 — 2013 ўқув йилида ўзбекистонлик 120 талаба ва стажёрга грант ажратди. Конфуций номидаги институт орқали Ланчжоу университетида ўзбекистонлик етмишга яқин талаба таҳсил олмоқда.

Ташриф доирасида имзоланган Самарқанд шаҳрида Конфуций институтини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштиришга хизмат қилади.

Томонлар туризм соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда. 2010 йилдан Ўзбекистон Республикасига Хитой фуқароларининг гуруҳ бўлиб саёҳат қиладиган туристик мамлакат мақомини бериш жараёни бошланди. Мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги салоҳияти “China Outbound Travel & Tourism Market — 2013” (апрель, Пекин) ҳамда “WTF — 2013” (май, Шанхай) халқаро профессионал туризм ярмаркаларида кенг намойиш этилди.

Кўксарой қароргоҳидаги музокаралар якунида Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларацияни имзоладилар.

Шунингдек, техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битим, иқтисодий, молиявий, нефть-газ, таълим соҳаларидаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда икки давлат раҳбарлари бугун томонлар ўртасида бўлиб ўтган музокаралар ва муҳокамалар ўзаро тушуниш, ишчанлик ва ўзаро ишонч руҳида ўтганини таъкидладилар. Уларнинг натижалари муҳокама қилинган масалаларнинг аксарияти бўйича томонларнинг позицияси ўхшаш ва яқинлигини намоён этди. Икки давлат раҳбарлари эришилган келишувлар Ўзбекистон — Хитой муносабатларини янада ривожлантириш ва икки мамлакат халқларининг фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидладилар.

Ушбу ташриф Ўзбекистон — Хитой муносабатларида яна бир муҳим босқич бўлгани қайд этилди. Томонлар изчил ривожланиб бораётган сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни юксак қадрлайди. Музокаралар замонавий тараққиётнинг бир қатор долзарб йўналишлари бўйича, жумладан, “уч ёвуз куч”га қарши ҳамкорликда курашиш зарурлиги, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва кўплаб халқаро муаммоларни ҳал этиш масалалари бўйича томонларнинг қарашлари яқин эканлигини яна бир бор намоён этди. Томонлар олий даражадаги мулоқотларни изчил давом эттиришга, иқтисодиёт, энергетика, молия, сармоя, юқори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштиришга, гуманитар алоқаларни кенгайтиришга, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга тайёр эканини билдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Ислом Каримов ва Си Цзиньпин Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Хитой раҳбари Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Мустақиллик майдонида амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишларига юксак баҳо берди.

ХХР Раиси Олий Мажлис Сенатига ташриф буюриб, парламентимиз юқори палатаси фаолияти билан танишди. Сенат Раиси Илгизар Собиров билан учрашув чоғида олий мартабали меҳмон Сенат фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари билан батафсил таништирилди.

Шу куни Си Цзиньпин пойтахтимизнинг энг асосий диққатга сазовор жойларидан бири — Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонатларни томоша қилди.

ХХР Раисининг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**
**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

## ЖАҲОН 24 соат ичида

*Жорий йилнинг июль ойида Германияда маҳсулотлар экспорти 1,1 фоизга пасайди, дейилади “Евроньюс” телеканали хабарида.*

## Тахминлар тасдиқланмади



Таҳлилчилар евроҳудудда иқтисодий аҳвол яхшиланиб бораётгани боис мазкур давлат ташқи савдосида ўсиш қайд этилиши мумкинлигини тахмин қилишаётганди. Чунки Германияда ишлаб чиқариладиган товарларнинг 40 фоизи айнан ягона валюта бирлигига аъзо давлатларга жўнатилади. Аммо бу гал натижалар кутилганидек бўлиб чиқмади. Яъни евроҳудудда савдо ҳажми 0,7 фоизга, бошқа мамлакатлар бўйича эса 1 фоизга камайди.

Эндиликда мутахассислар Германия ҳукумати дунё иқтисодиётидаги беқарорлик туфайли асосий эътиборни вақтинча ички бозорга қаратгани маъқул, деган фикрларни илгари суришмоқда.

## Молиявий кўмакка эҳтиёж

*Ирландия ҳукумати шу йил охирига қадар Халқаро валюта жамғармаси ва Европа Иттифоқидан 10 миллиард евро миқдорида молиявий кўмак олмоқчи.*



Мамлакат молия вазири Майкл Нунаннинг изоҳлашича, ана шу маблағ ҳисобидан янги жамғарма ташкил қилинади ва ҳукумат инқирозли вазиятлар юзага келганда ушбу жамғармага таянади. Нунан молиявий ёрдам учун кредиторлар бирор бир жиддий талаб қўймасликларига умид билдирмоқда.

## Иккинчи ўринга кўтарилиб олди

*Жорий йилнинг январь — июнь ойлари якунига кўра, Даниянинг “Lego” компанияси ўйинчоқ ишлаб чиқарувчилар орасида савдо ҳажми бўйича иккинчи ўринга кўтарилиб олди.*

Бу ҳақда “BBC News” хабар тарқатди. Жумладан, ушбу даврда компания 1,8 миллиард долларлик маҳсулот сотишга эришган ва асосий рақобатчиларидан бири — “Hasbro”(АҚШ)дан ўзиб кетган. “Barbie” савдо белгиси билан дунёга машҳур “Mattel” (АҚШ) компанияси эса етакчилик мавқеини сақлаб қолди. У 2013 йилнинг ўтган олти ойида 2,1 миллиард доллардан зиёд маблағ ишлаб олган.

“Lego” компаниясининг савдолари “Legends of Chima” деб номланувчи янги ўйинчоқлар тўплами ҳисобидан ошгани айтилмоқда.

## Сейсмик фаоллик




*Гватемала жанубида икки бор зилзила рўй берди.*

АҚШ Геология хизмати мутахассислари дастлабки зилзиланинг кучи 6,5 баллга тенг бўлганини хабар қилишди. Сальвадор давлати сейсмологлари эса бу кўрсаткич бир оз пастроқ, яъни 6,3 балл эканини билдирдилар. Табиий офат маркази Пахапита аҳоли яшаш пунктига олти километр яқин ҳудудда аниқланган. Шу куни кузатилган иккинчи ер силкинишининг кучи 5,5 баллга тенг бўлди.

Талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ.

## Истироҳат боғидаги фалокат

*АҚШнинг Коннектикут штатидаги истироҳат боғларидан бирида бахтсиз ҳодиса содир бўлди.*

“Рейтер” ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, болалар учаётган карусель баландликка кўтарилганда тўсатдан тўхтаб қолган ва унинг ичидагилар пастга тушиб кетган. Жароҳатланганлар тезда шифохонага ётқизилди. Жабрланганларнинг аҳволи тўғрисида аниқ маълумот йўқ.

Дастлабки тахминларга қараганда, каруселнинг тўхтаб қолишига электр таъминотидаги қисқа узилиш сабаб бўлибди. Лекин бу ҳали тасдиғини топгани йўқ. Полиция мазкур воқеа юзасидан жиноий иш очди.

## Ёзги Олимпиаданинг навбатдаги мезбони

Буэнос-Айресда ўтказилган Халқаро олимпия қўмитасининг 125-сессияси доирасида 2020 йилги ёзги Олимпиада ўйинларига мезбонлик қиладиган шаҳар номи аниқланди.




Овоз беришнинг сўнгги босқичида Токио, Истамбул ва Мадрид шаҳарлари даъвогар сифатида иштирок этди. Дастлабки турдан сўнг Испания вакиллари имкониятни бой беришди. Ҳал қилувчи турда эса ғолиблик Япония пойтахтига насиб қилди.

Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, 1964 йилги ёзги Олимпиада ўйинлари худди шу шаҳарда ташкил этилган эди.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

■ 2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

*Вилоят марказидан 320 километр олисда жойлашган Учқудуқ тумани ҳақида сўз кетганда, бир пайтлар одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куядиган бийдай биёбон кўз ўнгимизда жонланарди. Қизилқум саҳроси бағридаги бу заминда яккам-дуккам иморату пасқам уйларни демаса, соя-салқин жойнинг ўзи бўлмагани ҳам ҳақиқат.*
*Ёз чилласида чўл гармсели, қиш қаҳратонида аёз забтига олганда-ку, адоқсиз қумликларда жон сақлашнинг ўзи катта машаққат эди.*

# Саҳро бағридаги бўстон



Шу боис орадан йиллар ўтиб бу тап-тақир кенгликлар ўрни бўстонга айланиши, ҳудудда одамлар бахтиёр, фаровон ҳаёт кечириши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган бўлса, ажаб эмас.

Мана, мустақиллик шарофати билан афсоналар ҳақиқатга айланмоқда. Бугун Учқудуққа йўлингиз тушса, ҳудуддаги ўзгаришларни кўриб, кўзингиз қувонади. Мислсиз бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан ҳайратингиз ошади. Авваллари фақатгина ер ости бойликларини қазиб олиш базаси ҳисобланган ушбу ҳудуд айни пайтда йирик саноат марказига айланиб бораётир. Катта-кичик корхоналар, замонавий хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростлаяпти. Одамларнинг ғайрат-шижоатини айтмайсизми?! Энг муҳими, улар истиқлол ислоҳотлари моҳиятини теран англаган ҳолда, эзгу ишларга дахлдорлик ҳисси билан яшамоқдалар.

— Илгари ҳаётдан узилиб қолгандай эдик, — дейди тумандаги “Мингбулоқ” овул фуқаролар йиғини раиси Нурлибой Куниршаев. — Фаровонлик дегани қўйқўзининг сонига қараб белгиланарди. Қора қозонни зўрға қайнатардик. Бой одам деса, қишлоғимиздаги Қувондиқ оғани тушунардик. Чунки қишлоқдошларимиз ичида биргина унда машина бор эди. Ўйлаб қарасам, умримизнинг кўп қисми шундай ташвишу қийинчиликлар билан ўтиб кетибди. Мана, ҳозир тадбиркор ҳам, фермер ҳам, шифокор ҳам ўзимиздан. Ҳар икки хонадондан бирида “Нексия”, “Спарк”, “Матиз” бор. Мактабимиздаги шарт-шароитларни кўриб, бугунги ёшларга ҳавасим келади. Компьютерда ишлашаяпти, чет тилларини ўрганишаяпти, тушмагурлар. Яқинда неварам “Нексия”сига ўтқазиб Самарқандни кўрсатиб келди. Бирам чиройли шаҳар бўлиб кетибдики... Телевизорда кўрсатишса, “Йўғ-ей, шу ўзимизнинг Самарқандми?” деб ишонмагандим. Ўзгаришларни ўзим кўриб, қувонганимдан кўзимга ёш келди.

Дарҳақиқат, Нурлибой отанинг таърифлаганича бор. Бугун Учқудуқда барча соҳалар жадал ривожланаётир. Одамларнинг ҳаёт даражаси тобора юксалиб бораяпти. Улар бугунидан рози, эртасидан кўнгли тўқ. Замонавий касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизлар шу ерда очилаётган саноат корхоналарида иш билан таъминланаяпти.

Дарвоқе, Учқудуқ кенгликларининг бир томони Букантав ва Даугизтав тоғларига туташиб кетган. Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармасига қарашли заводларга етказилаётган қазилма бойликлар ушбу тоғлар бағридан олинади.

Ўтган даврда бу ерда ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, соҳага илғор техника ва технологиялар жорий этилди. Ҳозир 70 дан ортиқ карьерларда кончилик юмушлари олиб борилмоқда. Уларнинг барчасида олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларини тамомлаган билимли ишчи-мутахассислар меҳнат қилишаяпти.

— Кейинги йилларда замонавий машина-механизмлар келтирилиши ҳисобига тармоқда ишлаб чиқариш қуввати ортаётир, — дейди Навоий кон-металлургия комбинатининг экскаватор машинисти, Ўзбекистон Қаҳрамони Анатолий Панин. — Масалан, ҳозир кончилик-қазиш ишлари гидравлик ва электр типидаги экскаватор ҳамда бурғилаш дастгоҳлари ёрдамида амалга оширилаяпти. Техника воситаларини таъмирлаш ва уларнинг бир маромда ишлашини таъминлаш мақсадида ташкил этилган участкаларга тажрибали чилангар ва созловчилар бириктирилган. 2011 йилдан бошлаб конларда ишлаб чиқариш жараёни автоматлаштирилган тизимга ўтказилди. Бу эса меҳнатимизни енгиллаштириб, самарадорлик бир неча маротаба ортишига олиб келди. Яна бир диққатга сазовор томони, конда 3-сонли Гидрометаллургия заводи учун зарур хом ашё бўлган оҳактош қазиб олиниб, қайта ишланмоқда.

Албатта, бундай иқтисодий ютуқлар ижтимоий муаммолар ечимида ҳам қўл келаяпти. Хусусан, айни пайтда “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида туманда кенг кўламли бунёдкорлик, кўкаламзорлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида Учқудуқда 10,5 миллиард сўмлик шундай лойиҳалар рўёбга чиқарилгани бунинг яққол тасдиғидир.

“Излаган имкон топади”, дейди халқимиз. Айни кунда саҳро бағрида барпо этилаётган сўлим боғ-роғларни кўриб бунга яна бир бор амин бўласиз. Жорий йилда Учқудуқ тумани аҳли ташаббуси билан ташкил этилган “Орзу” истироҳат боғи — шулардан бири. 7 гектар майдонни эгаллаган бу ям-яшил маскан ҳозир одамлар билан гавжум. Айниқса, ёзнинг жазирама кунларида мазкур боғ ҳудуд аҳолисига баҳорий салқинлик, кўтаринки кайфият бахш этаяпти.

— Бунёдкорлик ишларига қарийб 4 миллиард сўм сарфланди, — дейди Навоий кон-металлургия комбинати Шимолий кон бошқармаси директори ўринбосари, Ўзбекистон Қаҳрамони Фарҳод Сойибов. — Бу ерга қайрағоч, япон софораси, Қрим қарағайи каби минтақа иқлимига мос қарийб 3 минг туп манзарали кўчат ўтқаздик. Шунингдек, болажонларга қувонч улашиш мақсадида истироҳат боғига Германия давлатидан келтирилган 18 та замонавий аттракцион ўрнатилди. Улар айни пайтда кичкинтойларга бепул хизмат кўрсатмоқда.

Кун яримлаши билан қуёш тиғига дош беролмаган кишилар соя-салқин жой қидириб қоладилар. Бироқ Учқудуқда яшилликка бурканган боғлар, сўлим фавворалар, кўркам хиёбонлар бағрида бир зум ҳордиқ чиқарар экансиз, Қизилқум чўлида эканлигингизни унутасиз. Аслида, бу ҳам истиқлолнинг бир мўъжизаси эмасми?!

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мақсадимиз — юрт тараққиётига ҳисса қўшиш

*Юртимизда Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги шодиёналари кўтаринки кайфият билан нишонланди. Айниқса, Президентимизнинг байрам тантанасида халқимизга йўллаган самимий табригида тилга олинган муваффақият ва ютуқлар аграр соҳанинг бир вакили сифатида мени ҳам беҳад ғурурлантирди.*

■ ДИЛ СЎЗИ

Чунки истиқлол йилларида юртимизда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам улкан ютуқларга эришилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларини ташкил этиш ва молиялаштириш бўйича янги тизим, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштиришни таъминлашнинг ишончли механизми яратилди. Бунинг самараси тезда сезила бошлади. Жумладан, бизнинг Хоразм вилоятида ҳам суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, ҳосилдорлик тобора ортиб бораётир. Кейинги бир-икки йил ичида пахта ҳосилдорлиги ўртача 2,3 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги эса 2,7 центнерга кўпайгани ана шундан далолат беради.

Юртбошимиз ўз табригида, шунингдек, биз кечаги 90-йиллардаги одамлар эмасмиз, дея алоҳида таъкидладилар. Ҳақ гап. Биз энди янгича ҳаёт кечираётган, ўз фикрига, дунёқарашига эга кишилармиз. Муҳими, ўзимиз учун меҳнат қилаяпмиз. Мустақил Ўзбекистон келажаги учун қайғураяпмиз. Шунга яраша меҳнатимиз ҳам рағбатлантирилиб, эртанги кунга бўлган ишончимиз тобора мустаҳкамланаяпти.

Мустақиллик байрами арафасида Президентимизнинг Фармонига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор” унвонига сазовор бўлдим. Яқинларимдан ушбу юксак мукофот билан тақдирланганим ҳақидаги хабарни эшитганимда, рости, кўзларимга ёш келди. Ахир, оддий ишчининг камтарин меҳнати шундай улуғ номга лойиқ кўрилиши чин саодат эмасми?! Шунда инсон манфаатлари устувор аҳамият касб этган, барча ислоҳотлар фуқароларнинг ёруғ истиқболи учун хизмат қилаётган бу юртда ҳеч бир меҳнат беэътибор қолмаслигига яна бир бор амин бўлдим.

Бугун мамлакатимизда эришилаётган улкан ютуқлардан фахрланиб, сидқидилдан меҳнат қилаяпмиз. Бунга юртимиздаги тинчлик-осойишталик асосий пойдевор бўлмоқда. Шундай экан, изчил ислоҳотларга эш бўлиб, эзгу лойиҳалар ташаббускорига айланишимиз, хайрли ишларга ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим.

**Шавкат ЖУМАНОВ,**
**Хоразм вилоятидаги «Шовот-Куловот» ирригация тизимлари бошқармасининг «Қуйи-Шовот» ирригация тармоқлари тизими муҳандис-гидротехниги.**

● Эълонлар ●


**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти**

***2014 йил катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.***

**17.00.01** — Театр санъати (1 ўрин).
**17.00.03** — Кино санъати, телевидение (1 ўрин).
**13.00.05** — Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш методикаси (1 ўрин).

**Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

- ариза;
- маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- олий таълим муассасаси магистратура диплоcми, фан номзоди диплоcми ёки магистр даражаси жорий этилгунга қадар олинган олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта);
- илмий ва илмий-амалий конференция, семинар ва давра суҳбатлари тўпламларига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятига лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАК ҳужжатларининг нусхаси.

**Ҳужжатлар 2013 йил 15 октябрдан 15 ноябрга қадар қабул қилинади.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ялангоч мавзеси.**
**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 255-88-17, 255-90-19.**

1516А/881

**Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси**



**моддий-техник базаси ва етарли иш тажрибасига эга бўлган барча қурилиш ташкилотларини фуқаролик ҳамда мудофаа иншоотларини капитал қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилишда қатнашиш учун ҳамкорликка таклиф этади.**

**Ушбу таклифга қизиқиш билдирган корхона ҳамда ташкилотлар танлов савдосига қўйилаётган бино-иншоотлар қийматининг 20 фоизи миқдоридан кам бўлмаган айланма маблағга эга бўлишлари шарт.**

Маълумот олиш учун **(8-371) 241-41-06** телефони орқали **соат 10.00 дан 18.00 га** қадар мурожаат қилиш ёки тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юбориш мумкин: **Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абдулла Қодирий кўчаси, 5-«А» уй. Факс: (8-371) 244-31-39.**

1278R/755



Реклама ўрнида

*Маълумки, республикамизда бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида фаолият юритиб келаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Натижада уларнинг ишлаб чиқаришдаги улуши тобора салмоқли бўлиб бораяпти. Бу иқтисодиётимиз тармоқларида барқарор ўсиш суръатларига эришилиши, бозорларимизнинг турли маҳсулотлар ва хизматлар билан бойиши, энг асосийси, аҳолининг турмуш фаровонлиги кундан-кунга ошиб боришида яққол намоён бўлмоқда. Шуларга мос равишда ҳозир ички ва ташқи бозорга маҳсулотлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатишда тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобат муҳити ривожланаётир.*

# «Асака» банки — ишончли ҳамкор

Биз ҳам иқтисодиётимиз ривожига кўмаклашиш, аҳоли ва ишбилармонларнинг шу соҳадаги эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида “Oltin-Diyor-Tegirmon” МЧЖни ташкил этдик. Ҳисоб рақамимизни “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банкининг Шайхонтоҳур филиалида очдик. Тез орада ишларимиз юришиб кетди. Ҳозир сифатли ун маҳсулотлари ишлаб чиқараяпмиз.

Яқинда корхонамиз фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида янги бизнес режа туздик. Уни амалга ошириш учун “Асака” банки Шайхонтоҳур филиалига мурожаат қилдик. Буни қарангки, банк ходимлари режамизни истиқболли, деб топишди ва кредит ажратиладиган бўлди.

Шу ўринда банк ходимлари ўз мижозларига замонавий ва тезкор хизмат кўрсатаётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Гап шундаки, бу ерда тадбиркорларга иқтисодиёт бўйича билим ва тушунчалар бериш ҳам йўлга қўйилган.

Банкдан олинган кредит ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини бир неча бараварга оширдик. Шу билан бирга, янги лойиҳамиз туфайли 20 та иш ўрни яратилди. Уларга касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини қабул қилдик. Ҳозирги пайтда бу ёшлар корхонага ҳам, оиласига ҳам сезиларли даражада фойда келтирмоқда.

Айтиш жоизки, корхонамизнинг муваффақиятларида, шубҳасиз, ушбу банкнинг ўрни жуда катта. Бугун банкдаги амалиёт жараёнларига юқори малакали ходимлар жалб қилинган бўлиб, улар томонидан мижозлар маблағи тўғри йўналтирилаётгани ҳамда тадбиркорларга беминнат ёрдам кўрсатилаётгани таҳсинга сазовор. Мазкур молия муассасасида “Асака” банки — обод турмуш ва фаровон ҳаёт хизматида” шиорига амал қилиб келинаётгани барча муваффақиятларнинг бош омили бўлмоқда.

Умуман, мазкур молия муассасасининг молиявий кўмагида бизнинг корхона каби кўплаб тадбиркорлик субъектлари изчил ривожланаяпти. Мақтаниш эмас, ҳозир бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифати ва бозорбоп нархда эканлиги боис уларга бўлган талаб тобора ошиб бораётир.

Ўтган давр мобайнида “Асака” банки билан ҳамкорлик қилиб янглишмаганлигимизга яна бир бор амин бўлдик. Банк хизматидан миннатдормиз. Келажакда ҳам мазкур муассаса билан биргаликда кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга оширамиз, албатта.

**Ҳотамбек ХУДОЁРОВ,**
**«Oltin-Diyor-Tegirmon» МЧЖ раҳбари.**


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи Аппарати жамоаси масъул ходим Нодирхон Масудович Хановга отаси

**МАСУД отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Болалар стоматологияси кафедраси доценти

**Ҳожиакбар ВАХАБОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

# Спорт

*Шри-Ланкада шахмат бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида ташкил этилган IX Осиё чемпионатида Ўзбекистон вакиллари муваффақиятли қатнашиб, бешта олтин, учта кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритишди.*

## Ўсмирларимизнинг ажойиб ғалабаси

Хусусан, мусобақа дастуридан ўрин олган классик ва блиц шахмат белашувларида Ортиқ Неъматов ўн уч ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ғолибликка эришди. Эътиборга молик жиҳати, у рапид баҳсларида ҳам кумуш медалга эгалик қилди.

Ўн бир ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида Шамсиддин Воҳидов классик ва рапид (тезкор) шахмат беллашувларида энг юқори натижани қайд этди ҳамда иккита олтин медаль билан тақдирланди. Блиц турнирда эса иқтидорли спортчимиз кучли учликдан жой олди.



Ўн бир ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги рапид мусобақасида ҳамюртимиз Дилбар Ҳамроевага тенг келадиган рақиб топилмади.

Яна бир вакилимиз Ҳожиакбар Фозилжонов 15 ёшгача бўлган ўсмирлар беллашувида иккита кумуш медални қўлга киритди.



*Шу кунларда пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари теннис мактабида Аёллар теннис уюшмаси — WTA туркумига кирувчи “Tashkent open — 2013” халқаро турнири бўлиб ўтмоқда.*

## Тошкентда нуфузли турнир бошланди

1999 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Tashkent Open” халқаро турнири дунёдаги нуфузли мусобақалар сирасига киради. Чунки ўз соҳасида машҳурликка эришган жуда кўп ракетка усталари дастлабки муваффақиятларини айнан Тошкент кортларида қўлга киритишган. Жумладан, ҳамюртларимиздан Ирода Тўлаганова, Оқгул Омонмуродова, беларуслик Виктория Азаренко, италиялик Франческа Скьявоне, Мария Елена Камерин, словакиялик Доминика Цибулкова, франциялик Полин Парментье, Марион Бартоли, германиялик Сабина Лисицки, польшалик Урсула Радванска каби теннисчилар учун “Tashkent Open” жуда катта маҳорат мактаби вазифасини ўтаб берган. Шу боис ҳам унда қатнашиш истагидагилар сафи тобора ортиб бораяпти. Рақобатнинг кучайиши эса, ўз навбатида, мусобақанинг қизиқарли ва муросасиз кечишини таъминламоқда.

Мазкур турнир мамлакатимиз ёшлари орасида теннspecнинг янада оммалашишига хизмат қилаётгани билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

— Ўзбекистон ҳар қандай нуфузли халқаро спорт мусобақасини юқори савияда ўтказишга қодир, — дейди турнир директори Шунмугам Утрапати. — Ташкилотчилик борасида орттирилган кўп йиллик тажриба, замонавий спорт инфратузилмасининг мавжудлиги, одамларнинг меҳмондўст ва бағрикенглиги бунда муҳим ўрин тутади. “Tashkent open — 2013” халқаро турнирига кўрилган тайёргарлик ҳам буни яна бир карра тасдиқлади.

Айтиш жоизки, бу йил ўн бешинчи бор ташкил этилган мусобақада ғолиблик учун баҳс олиб бораётган теннисчилардан ўн икки нафари айни пайтда WTA рейтингида кучли юзталикдан жой олиб турибди. Улардан Бояна Йовановски, Весна Долонц (Сербия), Петра Четковска (Чехия), Леся Цуренко (Украина), Ивон Месбургер (Австрия), Донна Векич (Хорватия), Александра Каданту, Ирина-Камелия Бегу (Руминия) кабилар жаҳонга таниқли ракетка усталари ҳисобланишади.

Мусобақада Ватанимиз шарафини Сабина Шарипова, Нигина Абдураимова, Арина Фолц, Алина Абдураҳимова сингари иқтидорли ёшларимиз ҳимоя қилишмоқда.

*Пойтахтимиздаги “Чиғатой” терма жамоалар тайёрлаш маркази стадионида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ходимлари ўртасида анъанавий минифутбол турнири бўлиб ўтди.*

## Дипломатлар мусобақаси

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган навбатдаги мусобақада АҚШ, Буюк Британия, Германия, Қозоғистон, Афғонистон каби қатор давлатлар элчихоналари ҳамда халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари жамоалари ғолиблик учун кураш олиб борди.

Турнирнинг очилишида Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида спорт, хусусан, футболни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилиб, бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани алоҳида таъкидланди. Шунингдек, дипломатлар иштирокида мунтазам ўтказиб келинаётган турли оммавий-маданий ҳамда спорт тадбирлари халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш, дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётгани айтиб ўтилди.

26 та дипломатик ваколатхона ва халқаро ташкилотлар минифутбол жамоалари ўзаро куч синашган бу галги мусобақада Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги вакиллари биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Қозоғистон Республикаси элчихонаси, учинчи ўрин эса Украина элчихонаси жамоасига насиб этди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

ИФТИХОР

*Болалигим Бойсуннинг Мачай қишлоғида кечган. Қизалоқлик пайтимдаёқ қишлоғимизни кесиб ўтувчи Мачай дарёсининг тароватидан, гулга бурканган қир-адирлар гўзаллигидан завқ олиб, кўрганларимни ўзим тўқиётган гиламларда акс эттиришга интилардим. Ўша пайтда бу гиламлар бир кун келиб, Париждаги Жаҳон музейи экспонатлари қаторидан жой олишини эса хаёлимга ҳам келтирмаганман.*

## Бойсундан Жаҳон музейига

Мустақилликдан айланай! Ҳунари борнинг омади чопадиган давр келди. Эндиликда нафақат пойтахтимиздаги, балки хорижда ўтказилаётган кўргазмаларда ҳам иштирок этиш имконига эга бўлдик. Масалан, менинг гиламларим ЮНЕСКО эътиборига тушгани қувонарли ҳолдир. Бундан илҳомланиб, гилам тўқиш цехи очдик. Ҳозир ўнлаб шогирдларим борки, улар қўлида жило топаётган пойандозу гиламлар ҳам пишиқ, ҳам харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Биз гилам тўқишда жун, пахта, пилла толаларидан фойдаланамиз. Ипларга бериладиган ранглар ҳам табиий. Масалан, жигаррангни ёнғоқ баргидан, қизилни эса рўян ўсимлигидан оламиз. Бўялган иплар бир ҳафта қоронғи жойда сақланади. Сўнгра шампунли сувда ювилиб, қуритилади. Мабодо совуқ ёки иссиқ сувда ипнинг ранги чиқса, ундан фойдаланмаймиз. Чунки бундай ипда тўқилган гиламнинг туси вақт ўтиши билан униқиб кетади.

“Ҳунар билан топганинг — қанду асал тотганинг”, деган нақл бор халқимизда. Бу ҳикмат мазмуни ҳунармандчиликнинг қадр-қимматини англатиб тургандек, гўё. Фикримиз тасдиғи учун фаолиятимиз давомида амалга оширган ишларимиздан битта-иккитасини айтай. 2007 — 2008 йилларда шогирдларимиз билан Бухородаги “Атлас” меҳмонхонаси учун 3 миллион сўмлик гилам, чойшаб, пардалар тўқиб бердик. Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги “Малика” меҳмонхонаси ҳам 5 миллион сўмлик гиламлар, парда ва чойшабларимизга харидор бўлди.

Истиқлол миллий ҳунармандчилигимизнинг дунёга чиқишида катта имкониятлар эшигини очди. БМТнинг тегишли тузилмаси тавсиясига кўра, Ўрта Осиё декоратив санъати асарларининг кўргазмасида қатнашдик. Ушбу халқаро кўргазмада тайёрлаган қадимий гиламларимизга “Сифат” белгиси берилди. Бизни ҳаяжонга солган воқеа — ўзимиз тўқиган бир нусха гилам ташкилотчилар томонидан Жаҳон музейида сақлаш учун олиб қолинди. Кўргазмадан сўнг ушбу гилам нусхаси расми туширилган тақвим дунё бўйлаб тарқалди. Бу кимга фахру ифтихор бахш этмайди, дейсиз?!

Айни пайтда “Розия-Н” нусхали гилам тўқияпмиз. Бунинг бошқаларидан фарқи шундаки, гиламнинг ости қўй жунидан, усти эса ипак толасидан бўлади. Гуллари сўзананики сингари нафис. Шунинг учун ҳам унинг харидори кўп.

Ҳунар сирларини қизларим Зулфия, Фотима, шогирдларим Садоқат Қодирова, Маҳфират Норматовага ўргатаётганимдан фахрланаман. Негаки, улар ҳам момоларимизнинг ноёб ҳунарини кўз қорачиғидек асраб, авлоддан-авлодга етказишга муносиб ҳисса қўшади, деб умид қиламан.

**Розия ЭШОНҚУЛОВА,**
**ҳунарманд.**
Бойсун тумани

### Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 31 АВГУСТДАН 6 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Одамлар оммавий бўладиган объектлар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қўшимча киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2013 йил 5 августдаги 100-сонли буйруғи.*

**2013 йил 2 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 354-2 (2013 йил 9 сентябрдан кучга кирди).**

2. «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 22 августдаги 321-В-2, 79, 2013-40-сонли қарори.*

**2013 йил 2 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2342-2 (2013 йил 9 сентябрдан кучга кирди).**

3. «Ўзкарт» банклараро чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 24 августдаги 16/6-сонли қарори.*

**2013 йил 2 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2369-1 (2013 йил 9 сентябрдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Мактабгача тарбия ва бошланғич таълим муассасаси тўғрисидаги намунавий низом» *(рўйхат рақами 306, 1997 йил 17 февраль). Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг буйруғи билан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2013 йил 27 майдаги 150-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

Реклама ўрнида

Moody's

«Moody’s Investors Service Ltd»

2013 йил август ойида

«Moody’s Investors Service Ltd»
халқаро рейтинг агентлиги

«ЎЗБЕКИНВЕСТ»
экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг

халқаро рейтингини тасдиқлади

Рейтинг прогнози:
«БАРҚАРОР»

*Суғурталовчининг молиявий барқарорлиги халқаро рейтинги (B1)*

1533R/892




## Оқова сув тозаланади

**Бухоро давлат университети олимлари томонидан саноат корхоналарида оқова сувни тозалаш биотехнологияси ишлаб чиқилди.**

Мазкур кашфиётнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, уни қўллашда сув ўсимликларидан самарали фойдаланилади. Бунинг натижасида оқова сув турли бактериологик ифлосликдан 95 фоизгача тозаланади. Ушбу технологиядан нефтни қайта ишлаш ва енгил саноат корхоналарида кенг фойдаланиш мумкин.



## Тиббиётда янги дастур

**Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббий маркази жамоаси янги ташаббус билан чиқди.**

Унга кўра, чақалоқларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг ҳар бир босқичида, яъни гўдакларга ташхис қўйиш ва уларни муолажа қилишда “эрта аралашув” дастури таклиф этилади.

Мазкур дастур болаларнинг клиник-лаборатория таҳлиллари асосида соғлиғини баҳоловчи тизимни ишлаб чиқиш, қалтис ҳолатлар таъсири, асорат ва оқибатини аниқлашга ёрдам беради. Бу эса гўдак ҳаётининг дастлабки кунлариданоқ жисмоний ривожланишини назорат қилиш ва турли хасталикларни ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилади.



## Дастурхонга парҳез таомлар

**Ўзбекистон балиқчиликни ривожлантириш илмий тадқиқот маркази томонидан юртимиз шароитида лаққа балиқ чавақларини сунъий равишда кўпайтириш технологияси яратилди.**

Бунга мувофиқ, оддий лаққа балиқ саноат асосида урчитилади. Мазкур технология амалиётга жорий этилиши республикамиз табиий сув ҳавзаларининг биологик хилма-хилligини сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, аҳолининг парҳез гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ таъминланади.

**Илёс РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
**Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси бўлим бошлиғи ўринбосари.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 79 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.30 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5